

Ҳаммани ҳайратда қолдирган шайх Ҳазратлари



10:30 / 16.11.2019 6244

Замонамизнинг энг улуғ зотларидан бири, шубҳасизки, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф эдилар. Ҳазратга Яратган мустаҳкам эътиқод, илм-у маърифат, буюк фаросат, мусулмонларга ибрат бўлгулик умр ато этди.

Ҳазрат қайси соҳанинг етук мутахассислари билан гаплашмасинлар, албатта, уларни ҳайратда қолдира олар эдилар.

Бир маросимда геология бўйича академик инсоннинг эҳсонларида геология соҳасига оид маъруза қилганларида, юртимизнинг энг катта академиклари ўз миннатдорчиликларини билдириб, суҳбатларидан ҳайратланишганликларини менга ҳам айтишган. Шу ҳақда кеча китобдан қуйидагиларни ўқиб қолдим:

Кунларнинг бирида суҳбат орасида «Амру маъруфларда жуда ажойиб ва ғоятда фойдали гаплар айтилмоқда, лекин уларни оммалаштириш орқали самарасини янада ошириш нуқтаи назаридан мазкур маърузаларни қисқа-қисқа бўлса-да, қоғозга тушириб юрсангиз яхши бўларди-да», дедим мулоҳаза ўрнида. Ҳазрат Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ табассум билан бош ирғадилар-у, аниқ жавоб айтмадилар. Таклиф ўринли

чиқдим -чиқмадим, буни ҳам билолмай қолдим. Хаёлим ортиқча маҳмадоналикка йўл қўйдим-да, деган истиҳолада эди.

Шундан сўнг орадан бир-икки кун ўтди, диний идора ёнида рўпара келиб қолдик. Сўрашдик, иттифоқо Ҳазрат ичкарига чорладилар, кирдик. Иш столининг бир чеккасида ёзув қоғози – дабдурустдан қўлтиққа олиб кўтариш ҳам амримаҳол даражада қалинликдаги тахлам.

– Буни бир кўринг-чи, – дедилар Ҳазрат.

Аста варақлашга киришдик. Икки-уч, бир-бир ярим бетли матнлар. Ёзув машинкасида ниҳоятда зич терилган. Мавзулар хилма-хил, Қуръони Карим оятлари, ҳадислар, диний тарихга оид воқеалар, тафсилотлар. Варақлаб ўтириб бирдан кун кеча у кишига «Ақл ўргатганим» ёдимга тушди. Вужудим ловуллаб кетди, хаёлан қайтдим ўша дақиқаларга: Ҳазрат менга назар солдиларми, нега қизариб-нега сарғайганимни пайқадиларми, билмадим. Мен эса варақлардан бош кўтаролмасдим. Бош кўтаролмаяпману, тинимсиз ўйлаяпман ва ниҳоят:

– Узр, тақсир, дедим. – Мен ўйлаган ишни аллақачон бошлаб қўйган экансиз, мен...

Филология фанлари доктори Хуршид Дўстмуҳаммад хотираларидан.

Манбалар асосида Миршавкат Тўйчиев тайёрлади